SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 46-47
(6198-99)
2025-yil
21-noyabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

"БИР ВАТАН, БИР ЭЛ, БИР БАЙРОҚ!"







Фахр









Қайга борсам, қошимда, юлдуз бўлиб порлагай,
Вужудимни самовий юксакларга чорлагай,
Ватан, миллат, халқимнинг шонини алёрлагай,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи –
Ўзбекистон байроғи,
Менинг байроғим!



Ватан байроғи

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.



Юрт байроғин ҳар жойгамас,
Кўнглингга эк. Кўксингни ўй.
Ишлов бергин, юмшатиб тур
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.

То бу байроқ, Ватан, нурлар
Ич-ичингга кетсин кириб.
Токи ғаним — ватанхўрлар,
Ололмасинлар суғуриб.

Шундай ўргат қулни, хонни,
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни
Бермоқ осон кечар бўлсин.

ISTIQBOL
2025-yil 21-noyabr / Juma / № 46-47 (6198-99)

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг навбатдаги йигирма биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда депутатлар, тегишли бўлим, ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

► *Туман Кенгаши сессияси*



Сессияда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 12 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда маҳсулот етиштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-172-сонли Фармонининг тумандаги ижроси тўғрисидаги, Зангиота тумани Прокурорининг 2025 йил 9 ой якунлари бўйича ахбороти, туман ИИБ соҳавий хизмат ходимлари томонидан 2025 йилнинг учинчи чораги давомида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилган ишлар ҳисоботи, туман Солиқ инспекциясининг 2025 йилнинг учинчи чораги давомида амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-12-сонли қарорининг тумандаги ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони ҳамда 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сонли қарори ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари Зангиота тумани бўлими томонидан 2025 йил 9 ой давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 майдаги “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-184-сонли қарори ижроси юзасидан туманда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 октябрдаги “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-343-сонли қарорининг тумандаги ижроси бўйича ҳисобот ҳам тингланиб, муҳокама қилинди.



Сессияда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚ ОРАСИДА

Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши депутутлари тобора фаоллашмоқда. Бирор соҳа йўққи, улар кириб бормаётган, муаммоларини ўрганмаётган бўлсин. Қуйида шу ҳақда.

► *Депутат ва ҳаёт*

МАРОСИМЛАРНИ ИХЧАМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Тўлқин Холиқов “Навбаҳор” маҳалласида туман ҳокими ўринбосари, туман Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саодат Усмонова билан биргаликда тўй-хашам, туғилган кун, чақалоқни туғуруқхонадан олиб чиқиш ва шунга ўхшаш кўплаб маросимларни ихчамлаштириш масалалари бўйича маҳалла фаоллари билан учрашув ўтказди.

Депутат томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-71-сонли Фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилди.



ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Бугунги кунда таълим-тарбия соҳасига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, эртанги кунни бугундан қўйилаётган мустаҳкам ва мукаммал пойдевор, илм-маърифат белгилайди.



Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши депутати Ё.Мирзаҳмедова 14-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, таълим фидойилари билан яқиндан суҳбат қуриб, таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётганлигини тушунтириб ўтди.

Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-71-сон Фармонига асосан коррупциявий омиллар ҳамда коррупцияга қарши биргаликда курашиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ

Депутат Александр Шаповаловнинг ташаббуси билан “Боғзор” маҳалласидаги ички йўлларни таъмирлаш бўйича лойиҳа “Очиқ бюджет” портали орқали жамоатчилик овозига қўйилганди.

Маҳалла аҳолиси депутатнинг фаоллиги ва чақириғига жавобан бир ёқадан бош чиқариб, лойиҳа учун фаол овоз беришди. Натижада, ташаббус ғолиб деб топилиб, ички кўчалар босқичма-босқич асфальтланмоқда.

Александр Шаповалов ушбу ташаббус орқали фуқароларни ўз ҳудудида амалга оширилаётган ислоҳотларга бевосита ҳисса қўшишга, жамоавийлик ва уюшқоқлик руҳида ҳаракат қилишга даъват этмоқда.

Ўз мухбиримиз.



ISTIQBOL
2025-yil 21-noyabr / Juma / № 46-47 (6198-99)

“БИР ВАТАН, БИР ЭЛ, БИР БАЙРОҚ!"



Тарихдан маълумки, Ватан рамзлари доимо улуғ ва муқаддас саналган. Байроқ ҳамиша инсонларни якдилликка, улуғ мақсад йўлида бирлашишга чорлаган. Давлат рамзлари ор-номус, шон-шараф белгиси сифатида эъзозланган. Зеро, байроқ ҳар бир халқ, миллатнинг шонли ўтмиши ва буюк келажаги, асрий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган. Буюк ўтмиш, шонли тарихга эга халқимизнинг давлат барпо этиш ғояси, умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, ўзининг давлат рамзларида акс этган. Ўз рамзларига эга бўлган давлат ўз тақдирини ўзи белгилайди.





Мана шу қутлуғ рамзимиз – Ўзбекистон Республикаси байроғи қабул қилинганлигининг 34 йиллиги бутун юртимизда бўлгани каби туманимизда ҳам катта тантана қилиб нишонланди.

“Бир Ватан, бир эл, бир байроқ!” шиори остида юртимиз бўйлаб ўтказилган байроқ эстафетаси 17 ноябрь куни Чиноз туманидан Зангиота туманига етиб келди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Чиноз тумани ҳокими Шерзод Салихов юртимиз шаъни ва ғурурини ифодаловчи рамзий байроқни Зангиота тумани ҳокими Эркин Рустамовга тантанали равишда топширди. Ўз навбатида Зангиота ва Чиноз туманлари ҳокимлари сўзга чиқиб, йиғилганларни 18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун билан самимий муборакбод этдилар.

Улар ўз нутқларида юртимиз байроғи нафақат юртимиз осмонида, балки барча соҳалардаги ютуқ ва ғалабаларимизда, халқимизнинг меҳнати ва интилишларида юксакларда ҳилпирашини тилаб, бугунги тадбирнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Тадбирда туман фаоллари, ёшлар, спортчилар, нуронийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, байроғимизга бўлган чексиз ҳурмат ва фахр туйғусини яна бир бор намоён қилдилар. Тумандаги барча корхона, ташкилотлар, таълим-тарбия муассасаларида байроқ қабул қилинган кун кўтаринки руҳда нишонланди.



Байроқ эстафетаси эса юртимиз бўйлаб ўтказилган улуғвор ғоя – бирлик, бирдамлик ва Ватанга муҳаббат рамзи сифатида 18 ноябрь куни навбатдаги манзил – Токент шаҳрига етказилди.

Тантанали руҳда ўтган тадбирда Зангиота тумани ҳокими Эркин Рустамов бошчилигидаги делегация Тошкент вилояти номидан рамзий байроқни Тошкент шаҳар Чилонзор туманига топширди.

Чилонзор туманига кириб борган рамзий байроқ юртимизнинг шаъни, ғурури ва мустақиллик тимсоли сифатида эъзоз билан кутиб олинди. Тадбир давомида икки ҳудуд вакиллари байроғимизга бўлган юксак ҳурмат ва садоқат туйғуларини изҳор этдилар.

Ҳа, 34 йилдирки, давлатимиз байроғи турли байрам тантаналарида, халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг куч-қудрати, шаъни ва мустақиллигининг ифодаси сифатида ҳилпирамоқда. Дунё мамлакатларидаги элчихоналаримиз биноларида, халқаро ташкилотлар қароргоҳларида ҳам байроғимиз давлатимизнинг рамзи сифатида сарбаланд турибди. Чет элларда ҳилпираб турган байроғимизга кўзимиз тушганда, юрагимизда чексиз фахр туйғуси уйғонади, руҳимиз кўтарилади. Зеро, байроғимиз тимсолида дунёнинг қайси нуқтаси бўлмасин, Ўзбекистон деган муқаддас Ватанимиз, бизнинг ҳимоячимиз ва суянчиғимиз борлигини ҳис қиламиз.

Дилбар ШАРИПОВА.

“Келажак соати” сабоқлари

Бу ҳафта тумандаги барча таълим-тарбия масканларида “Келажак соати” дарси “Ўзбекистон байроғи” мавзусига бағишланди. Унда ўқувчиларга мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида олдида обрў-эътибори ортиб бораётгани, миллий қадриятлар, байроғимиздаги рамзларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.





Туман ихтисослашган мактабида эса ҳар бир фан кесимида “Ўзбекистон байроғи” мавзусига алоҳида, ўзгача ёндашилди. Математика фани дарсида Ўзбекистон байроғининг ўлчамлари ҳақида тушунча берилган бўлса, география дарсида ўқувчилар Ўзбекистон Республикасининг байроғига ўхшаш байроқларни таққослаб, ранг ва рамзларнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини кўриб чиқишди. Тарих фани дарсида эса ўқувчилар видеолавҳалар, тарихий расмлар орқали аждодларимиз давридаги турли байроқларни кўриб, уларнинг тарихий аҳамиятини ўргандилар. Ҳар бир байроқнинг ўз даври ва ўз ҳикояси борлиги уларда катта қизиқиш уйғотди. Она тили фанида ўқувчилар байроқ, ватан,миллий ғурур каби тушунчаларга ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб таъриф беришди. Уларнинг ҳар бир фикрида юртга бўлган меҳр, садоқат ва фахр яққол сезилди. Робототехника фанида "Robo-Coding" тўгараги аъзолари бўлган 6-синф ўқувчиларининг байроқ кўтариб кетаётган роботнинг ясаган макетлари барчага манзур бўлди.

Д.ШАРИПОВА.

ISTIQBOL
2025-yil 21-noyabr / Juma / № 46-47 (6198-99)

Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси Зангиота тумани бўлимининг туман аҳолисига

МУРОЖААТИ

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗНИ ИШСИЗЛИК, ОИЛАВИЙ АЖРИМ, КАМБАҒАЛЛИКДАН ҲОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРАЙЛИК!

Ҳурматли тумандошлар!

Биз сиз билан озод ва ҳур Ватанимизнинг муқаддас бешиги бўлган, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимиз сайқалланадиган, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ўзаро ишонч, бағрикенглик каби эзгуликлар камол топадиган, дунёда муқобили бўлмаган ноёб тузилма – маҳаллада бирга яшаймиз.

Ҳозирги кунда маҳалланинг жамият ҳаётидаги мавқеи, нуфузи мустаҳкамланиб, ижтимоий кўмаклашувнинг адолатли ва таъсирчан институти, аҳолига энг яқин ва халқчил тузилма сифатида эътироф этилмоқда. Маҳаллада “еттилик” тизими жорий қилиниб, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 14 октябрь куни маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳага оид қатор янги ташаббуслар илгари сурилди. Бу орқали маҳаллага янги ваколатлар, маблағлар, имкониятлар тақдим этилди. “Маҳалла еттилиги” бундан самарали фойдаланиб, одамлар муаммосига имкон қадар жойида ечим топишга интилади.

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, фуқароларга ўз қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш борасидаги ишлар маҳалла даражасида ташкил этилади. Жамият ҳаёти ва мамлакат тақдирига дахлдор бу жараёнда биз, “маҳалла еттилиги” вакиллари, маҳалладаги фаоллар, зиёлилар, нуронийлар, касаба уюшмалари ходимлари олдида ўта муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди.

Буни тўғри англаган ҳолда, ишимизни янгича тамойиллар асосида йўлга қўйсак, одамлар фаоллигини оширсак, ҳар бир юмушимизда масъулият юкини ҳис этиб турсак, ўйлайманки, натижага биргаликда эришамиз!

Азиз маҳаллалар аҳли!

Барчангизга маълум, туманимизда кўп йиллардан буён маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, одамларга қулай яшаш шароити яратишга интиляпмиз. Бу борада бевосита Сизнинг ташаббусингиз, фаоллигингиз натижасида “Ташаббусли бюджет” жараёнларида ҳар йили кўплаб маҳаллалар ғолиб чиқиб, ички йўллари асфальтланмоқда, мини футбол, воркаут майдонлари қурилмоқда ва бошқа муҳим масалалар ечимини топмоқда.

Хабарингиз бор, ўтган йилдан бошлаб, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича тушумларнинг 10 фоизини маҳалланинг ўзида қолдириш амалиёти жорий этилди. Одамларимизнинг солиқ тўлашдаги фаоллиги, масъулияти натижасида ҳар йил маҳаллаларимиз бюджетига миллионлаб сўм маблағлар келиб тушмоқда. Бу маблағлар эса камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, қуёш панеллари ўрнатиш, пиёдалар йўлакчалари қуриш, тунги ёритгичлар ўрнатиш каби кўплаб мақсадларга йўналтирилмоқда.

Президентимиз бу борада яна бир янгиликни эълон қилди. Жорий йилдан бошлаб, ер ва мол-мулк солиқларини тўлаганлик даражасига қараб, “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рейтинги юритилади. Бунда 100 таликка кирган маҳаллага “Ташаббусли бюджет”нинг янги тизими бўйича инфратузилма харажатининг 75 фоизи бюджетдан тўлаб берилади. Шунингдек, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирига қўшимча 2 миллиард сўмдан ажратилади.

Маҳаллаларга 2 минг квадрат метргача бўш давлат объектларини аукционга чиқариш ваколати берилган. Эндиликда маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси бўш турган 5 минг квадратгача бўлган давлат мулкини аукционга чиқариши мумкин бўлади. Энг муҳими, сотувдан тушган маблағнинг 70 фоизи маҳалланинг ўзида қолади ва инфратузилмага сарфланади. Бу, албатта, биз учун катта имконият.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун маҳалла аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳимоя қилиш, оилаларда маънавий муҳитни барқарорлаштириш, фуқаролар, айниқса, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этишнинг самарали тизимига айланди.

Шу ўринда жамиятимизда оғриқли масала бўлиб турган айрим жиҳатлар ҳам борки, уларнинг ечими сизу биздан янада масъулият, янада фидойилик билан ишлашни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, оилалар ажралишлари, алимент тўлашдан бўйин товлаш, оиласи ва болаларини кредит қарзлари билан ташлаб кетиш ҳолатлари учраётгани, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари барчамизни – “маҳалла еттилиги”, нуронийлар, бутун жамоатчиликни қаттиқ ташвишга солиши керак.

Оила қуриш, бу – нафақат ўзи, балки турмуш ўртоғи ва фарзандлари олдидаги катта масъулият эканини ёшларга тушунтириш, ажралишларда тарафлар, айниқса, фарзандлар оғир моддий аҳволга тушишининг олдини олиш учун никоҳ шартномаси тузишнинг афзалликларини тарғиб қилиш лозим.

Шу билан бирга, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятлар, вояга етмаганлар назоратсизлиги ҳамда ҳуқуқбузарлигига оид ҳар бир ҳолат бизни ҳушёр торттириши, ўз вазифамизга масъулият, жавобгарлик билан ёндашишга ундаши шарт!

Яна бир гап – дабдабали тўй, эрта ва шаръий никоҳ ҳолатларига асло кўз юмиб бўлмайди. Бу иллатларнинг юз беришига йўл қўймаслик учун бор куч ва билимни ишга солмоқ лозим. Шунинг учун ҳар хил маънавий таҳдидларга қарши курашни, аввало, оиладан, маҳалладан бошлаш зарур.

Бунда биз – жамоатчилик ва фаоллар, мутлақо бефарқ бўлмаслигимиз, зарурат туғилганда, бу каби ҳолатларни жойида тўхтата олишимиз керак.

Эндиликда, агар қайси оилада вояга етмаганлар ўртасида никоҳ тузишга уриниш ҳолати кузатилса, бунинг олдини олиш учун “маҳалла еттилиги” ва жамоатчилик дарҳол аралашиб, чора кўриши керак.

Қадрли маҳалла фаоллари!

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги жараёнларни барчамиз тўғри англашимиз, ҳаракатларимизни шунга муносиб тарзда олиб боришимиз, ҳамжиҳатликда ишлашимиз лозим. Бунинг учун маҳаллага берилган имкониятлардан фойдаланиб, ҳамжиҳатликда маҳалла фуқаролар йиғини инфратузилмасини яхшилаш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олиш зарур.

Сизларга мурожаат қилиб айтамизки, бу жараёнда одамларнинг, энг аввало, маҳалладаги камбағал, эҳтиёжманд оилаларнинг яшаш шароитини яхшилашга интилайлик, “Обод кўча”, “Обод хонадон”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий қилиб, ҳар ойда бир маротаба ҳашарлар уюштирайлик.

Солиқларни ўз вақтида тўлаб, “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рейтингида юқори 100 таликдан жой олишимиз лозим. Мана шу тизимдан самарали фойдаланишнинг ўзиёқ маҳалламиздаги муаммоларни буткул ҳал этиш имконини яратади. Албатта, бунинг учун “еттилик” вакиллари масъулиятни ўз зиммасига олиши, ишни тўғри ташкил этиши, одамлар орасида тарғибот ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Одамларда берилаётган имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш истагини уйғотишимиз лозим. Асосийси, меҳнатга яроқли аҳоли ўртасида кўпроқ даромад олиш, фаровон яшашга интилиш, касб-ҳунар ўрганиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, томорқадан унумли фойдаланиш учун ҳаракатни шакллантириш зарур.

Маҳаллаларда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслигига биргаликда ҳаракат қилиш зарур.

Маҳалла ёшларидаги шижоат, садоқат, янгиликка интилиш, ҳар бир масалага креатив ечим топа олишдек хусусиятлардан ўз вақтида фойдаланишимиз керак. Бу борада ҳар биримиздан ташаббускорлик, фаоллик, интилувчанлик, масъулият талаб этилади.

Унутманг, ёшларнинг мактаб давридан касб-ҳунар эгаллашга бўлган қизиқишини ошириб борсак, ҳеч бўлмаганда битта касб эгаси бўлишига замин яратган бўламиз.

Тадбиркорликка қизиққан йигит-қизларга елка тутсак, битта ёш тадбиркор лойиҳаси амалга ошса, камида 3 та янги иш ўрни яратилади. Бунинг учун биз ёшларнинг яқин дўсти, маслакдоши, кўмакчиси сифатида ўзимизни намоён этишимиз керак.

Оилада соғлом маънавий ва ўзаро ҳурмат-эҳтиром муҳитини қарор топтириш, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, ёшларга соғлом турмуш тарзини сингдириш ҳар доим муҳимлигича қолади. Ушбу йўналишдаги фаолиятимизга ҳаётий, самарадор тизимларни жорий қилиб борамиз.

Оилалар билан фаол мулоқот қилишда муҳтарам отахон ва онахонларимиз, кўча ва уй бошлиқлари, имом-хатиб ва отинойилар, зиёлилар, жамоатчилик тузилмалари вакилларига суянамиз. Келинг, биргаликда маҳаллаларимизни оилавий низолар, ажралишлардан ҳоли ҳудудга айлантирайлик!

Ҳурматли маҳалладошлар!

Катта марраларни мўлжаллаганмиз, Сизларга мурожаат қилиб айтамизки, келинг, бу борада фаол ва ташаббускор бўлайлик. Бугун ҳаракат қилиш, билмаганини ўрганиш вақти. Шунчаки бефарқ бўлмасак, яратилган имкониятлардан самарали фойдалансак, уйимиз, кўчамиз, маҳалламиз ободлигига имкон қадар ҳисса қўшсак, томорқани бўш қўймасак, ҳар бир ишга илғор фикр, теран тафаккур билан ёндашсак бас.

Мақсадни аниқ қўйсак, шунга кўра интилсак, албатта, маҳаллаларимизни йил якунига қадар “ишсизликдан”, “оилавий ажралишлар ва жиноятчиликдан” ҳамда “камбағалликдан” буткул ҳоли ҳудудга айлантирамиз.

Ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлсак, бир-биримизни қўллаб-қувватласак, маҳалланинг қурби етмайдиган ишнинг ўзи қолмайди, қийналган, эҳтиёжманд оилалар бўлмайди.

ISTIQBOL
2025-yil 21-noyabr / Juma / № 46-47 (6198-99)

► *Аҳолини рўйхатга олиш*

ШТАБНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ



Туман прокурори Алишер Жўраев томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2025 йилдаги “Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги ПФ–173-сон Фармони ижроси бўйича туман ҳокимлигида ташкил этилган штабнинг иш фаолияти ўрганилди.

Ўрганиш давомида штаб томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, рўйхатга олиш жараёнига тайёргарлик ишлари, масъул идора ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, бириктирилган бўлим ва ташкилотлар ходимлари билан асосий вазифалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўрганиш якунида туман прокурори томонидан жараёнларнинг қонуний, аниқ ва белгиланган тартибда амалга оширилиши муҳимлиги таъкидланиб, масъулларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Сарвар МАҲАМАТОВ,
туман Статистика бўлими бошлиғи.

УЮШМАГАН ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ



► *Спорт* **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 июлдаги ПҚ–274-сон қарори ҳамда Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг 2025 йил 30 сентябрдаги 96-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида туманимизда уюшмаган ёшлар ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди.**

Туманимиз мактаблари ўртасида ўтказилган Зангиота тумани ИИБ бошлиғи кубоги мусобақаси юқори савияда ташкиллаштирилди. Тадбирда спортга қизиқувчи ёшлар фаол иштирок этиб, ўз жамоаларининг ғалабаси учун бор куч ва маҳоратларини намоён этдилар.

Кескин ва муросасиз кечган баҳсларда ўғил болалар ўртасида 42-мактаб жамоаси, қиз болалар ўртасида эса 4-мактаб жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндор жамоалар Зангиота тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи А. Султанов томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТДИК

Мактабимизда спортсевар ўқувчилар жуда кўп. Улар спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланиб, мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда.



Жумладан, туманимиз мактабларо ўтказилган "Беш ташаббус" лойиҳаси доирасидаги волейбол бўйича қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги мусобақада мактабимиз ўқувчилари 3-ўринни қўлга киритишди.

Мусобақа иштирокчилари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан медаль ва эсталик совғалари билан тақдирландилар.

Наргиза БЕРДИЕВА,
34-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси.

► *Ҳафта хабарлари*

ҚИЗЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Зангиота тумани ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи С.Усмонова, мактаб психологи Г.Ташенова, 19-ОП ҳамшираси У.Эралиева, маҳалла хотин-қизлар фаоллари томонидан 6, 7-умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчи қизлари иштирокида “Эрта турмуш ва эрта туғуруқнинг оқибатлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Суҳбат давомида мутахассислар эрта никоҳ ва оналикнинг ижтимоий ҳамда соғлиқ учун салбий оқибатлари, репродуктив саломатлик, катта ҳаётга тайёргарлик ҳақида батафсил маълумотлар беришди. Тадбир қизлар учун фойдали, очиқ ва самимий мулоқот тарзида ўтди.



АНА ҒАЙРАТ-У, МАНА ҲАРАКАТ



“Туропобод” маҳалласининг “Сахийлик” кўчасидаги 20-уйда яшовчи фуқаро Анвар Ахроров ва маҳалла раиси Ниғмонжон Ҳалиловнинг ғайратига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Бу икки фидойи инсон ҳамкорликда “Сахийлик” кўчасида “Яшил макон” дастури доирасида 150 туп мевали дарахт кўчатлари экишди. Кўчатларнинг 80 тупи гилос, 45 тупи бодом, 5 тупи шафтоли, 5 тупи олма, 5 тупи нок ва 10 тупи арчадир. Бир кун келиб бу кўчатлар кўкка бўй чўзади, ҳосил беради. Бу ҳосилдан баҳраманд бўлганлар эса уни экан инсонларга чексиз раҳматлар ёғдиришади.

САЁҲАТ ЗЎР БЎЛДИ

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан Ёшлар ишлари агентлиги Зангиота тумани бўлими етакчилари учун Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди.



Бу сафар ёшларга нафақат тарихий обидаларга ташриф буюриш, балки аждодларимизнинг бой маънавий мероси ва улуғ алломаларнинг илмий-маърифий фаолияти билан яқиндан танишиш имконини ҳам берди. Иштирокчилар “Регистон” майдони, “Шоҳи Зинда” мажмуаси, “Амир Темур” мақбараси каби тарихий масканларни, Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилиб, уларда мужассамлашган ўтмиш ва бугун уйғунлигини ҳис қилдилар.

Мазкур саёҳат ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириб, уларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва янги марралар сари руҳлантиришга хизмат қилди.

Ж.АМИРОВА.

МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ

Туман Ахборот-кутубхона маркази томонидан “INFOLIB O’ZBEKISTON – 2025” XIV Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида туман ихтисослаштирилган мактабида “Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида” номли иқтидорли ёш ижодкор ўқувчилар иштирокида маънавий-маърифий тарғибот тадбири ўтказилди.



Тадбирда юртимизда олдимизга қўйган эзгу ғоя ва мақсадларимизни амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижодий камол топиши йўлида ташкил этилган “Зулфия номидаги Давлат мукофоти”, “Ниҳол” мукофоти, “Ёш тадбиркорлар” лойиҳалари ва бошқа бир қатор мукофотлар муҳим аҳамият касб этаётганлиги, шунингдек, хорижий тилларга бўлган эътибор боис ёшларимиз орасида давлат грантлари асосида хорижий мамлакатларда ўқиш имкониятлари ошиб бораётганлиги ҳақида сўз юритилди.

ISTIQBOL
2025-yil 21-noyabr / Juma / № 46-47 (6198-99)

Зангиота тумани фермерлар кенгаши Раёсати аъзоларининг фермерларга МУРОЖААТИ

СУВ ТЕКИН ЭМАС, УНИ ТЕЖАНГ, ҚАДРЛАНГ!

Азиз фермерлар!

Мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, экин майдонлари ва экинлар таркибини иқлимга мослаб мақбуллаштириш, илғор агротехнологияларни фаол қўллаш чоралари кўрилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон фермерлари кенгашининг ўрни муҳимлигини эътироф этиш зарур. Кенгашнинг барча бўғиндаги раҳбар ва ходимлари ҳамда бухгалтерия марказлари ходимлари аниқ ва ишончли маълумотларга асосланган ҳолда сувдан фойдаланишдаги муаммо ва камчиликларни таҳлил қилиш асосида тегишли хулоса ва таклифларни фермерларга мунтазам равишда етказиб боради.

Аграр соҳанинг ривожи бевосита агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш билан бирга қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, ишчи ҳолатини сақлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда сув ресурслари таъминотига боғлиқ.

Сув ресурсларини тежаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этганидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сон қарорига асосан томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими, «спринклер» тизими, мобил ёмғирлатиб суғориш тизими, ерни лазерли ускуна билан жиҳозланган текислагичлар ёрдамида текислаган тарзда дискрет суғориш усуллари субсидиялар ажратиладиган сувни тежайдиган суғориш технологиялари деб белгиланган. Фермер хўжаликлари томонидан томчилатиб суғориш тизими ўрнатилганда ҳар гектар пахта, сабзавот экинлари ва картошка учун 8 миллион сўм, полиз экинларига 1,3 миллион сўм, озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар учун гектарига 2,5 миллион сўмдан, мевали экинларга 6 миллион сўм субсидия берилиши белгилаб қўйилган. Пахта ва ғалла майдонларига ўрнатилган сув тежовчи ускуналар учун бир йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга ҳар бир гектарга 25 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилишининг қонуний асослари мустаҳкамланган.

Шунингдек, сабзавот, картошка, полиз экинлари, озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этган фермер хўжаликлари томонидан сув ҳисоблагичлар ўрнатилганда сув солиғидан 30 фоиздан 50 фоизгача имтиёз берилади.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 31 октябрдаги “Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-322-сонли қарорига асосан 2026 йил 1 январдан бошлаб озуқабоп ва мойли экинларни етиштирувчи субъектларга маҳсулот етиштиришда суғориш тадбирлари учун ўз балансидаги насос агрегатлари сарфлайдиган электр энергияси харажатларининг 50 фоизлик қисми давлат бюджетидан қоплаб берилиши йўлга қўйилмоқда.



Юқорида таъкидланганидек, давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигида фермерлар учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги сув таъминотида устуворлик пахта ва ғаллага берилади. Оби ҳаётнинг қарийб 60 фоизи ушбу экинларни суғориш учун сарфланади. Шу сабабли бу йўналишларда тежамкор технологияларни жорий этиш – сувдан самарали фойдаланишнинг бош омили саналади.

Сув истеъмолининг энг катта қисми айнан қишлоқ хўжалигига тўғри келса-да, юртимиздаги суғориш тармоқларининг ярми бетонланмагани, яъни тупроқ ўзанли ариқ ва каналлардан иборат бўлгани боис катта миқдорда сув йўқотилмоқда. Фермерлар томонидан ички суғориш тармоқларини тўлиқ бетонлаш учун ҳар йили кузги-қишки таъмирлаш мавсумидан самарали фойдаланган ҳолда, аниқ режали ишларни давом эттирсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимиздаги суғориладиган майдонларнинг 60 фоизига 1680 дан зиёд насос станцияси ва 4 мингдан ортиқ суғориш қудуғи орқали жуда катта маблағ ва харажатлар эвазига сув етказиб берилади. Сув хўжалиги соҳасига ажратилган 10 триллион сўмнинг 63 фоизи насос станцияларининг электр энергиясига сарфланади. Аён бўладики, сув текин эмас, ҳатто арзон ҳам эмас!

Сув катта харажат ва минг машаққат билан етказиб берилаётган шароитда далаларни кўллатиб суғориш, сувни зовурларга ташлаб қўйиш каби салбий ҳолатларга йўл қўйилмаслиги керак.

Мамлакатимизда ресурстежамкор технологиялар қўллаётган фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Айниқса, томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет усулида суғориш, ерни лазер ускунасида текислаш оммалашмоқда. Бу орқали фермерлар нафақат сувни тежаяпти, балки ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига яхшигина даромад ҳам кўряпти.

Кенгаш томонидан ҳам сувни тежаш, ундан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка барҳам бериш мақсадида, фермер хўжаликлари томонидан ҳар 5 гектар майдонга 1 нафардан сувчи бириктирган холда мавжуд ғалла майдонларини кўллатмасдан, сувни исроф қилмасдан суғоришнинг таъминланишига йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил қилинди.

Зангиота туманида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун йиллик 248 млн метр куб сув харажат қилинади. Бу жуда катта кўрсаткич. “Сув – текин эмас” деган ғоянинг мазмун-моҳиятини, сув тежовчи технологияларнинг афзалликларини туманимиздаги фермер хўжаликлари раҳбарлари билан биргаликда хўжаликларнинг барча аъзолари ўртасида мунтазам кенг тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим. Бу орқали биз келгуси халқимиз олдидаги энг олий бурчимизни бажарган бўламиз.

Тажрибали деҳқонлар яхши биладики, томчилатиб суғориш далага эмас, ўсимликка сув бериш, дегани. Бунда маблағ тежалади, ўғит айнан экинларга бир хил етказиб берилиши ҳисобига ҳосилдорлик ошади.

Сиз ҳам илғорлар сафига қўшилинг!

“Сув – зар, сувчи – заргар”, деган мақол бежиз айтилмаган. Қишлоқ хўжалигида заргарона маҳорат билан сувдан унумли фойдаланинг! Тежамкорликнинг замонавий усулларини қўллаб, сувнинг беҳуда сарф бўлишига йўл қўйманг! Бу борада бошқаларга намуна бўлинг!

“Отанг мироб бўлса ҳам, ариғингни чуқур қазигин”, деган нақлга амал қилиб, ишни қиш мавсумида ўз ҳудудингиздаги суғориш тизимларини тозалаш ва бетонлашдан бошланг!

Қадрли қишлоқ хўжалиги ходимлари!

Сувнинг бебаҳо ресурслиги, уни исроф қилиш эса халқимиз келажагига хиёнат билан баробарлигини унутмайлик!

“Сув текин эмас, сувни тежанг!” – бу шунчаки шиор эмас, балки барчамизнинг кунлик вазифамиз, ҳаёт тарзимизга айлансин. Келинг, барчамиз ушбу вазифани сидқидилдан бажариб, халқимиз, келажак авлод олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлсин.

► *Муносабат*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 10 ноябрь куни тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан ўтказган учрашуви мен-да жуда илиқ таассуротлар қолдирди. Айниқса, бундан буён ушбу байрамни "Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни" сифатида нишонлаш ҳақидаги таклифлари наинки фармацевтларни, балки биз шифокорларни ҳам қувонтирди. Чунки бу икки соҳани ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайди.



МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Учрашувда таъкидланганидек, юртимизда ўртача умр давомийлиги эркаклар ўртасида 71 дан 73 ёшга, хотин-қизларнинг орасида эса 76 дан 77,5 ёшга узайгани ўз-ўзидан юзага келмайди. Бунинг замирида давлатимизнинг тиббиёт соҳасига қаратаётган катта эътибори, тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатлари ётибди. Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг ўзига 230 триллион сўм (20 миллиард доллар) йўналтирилди. Бу йил эса 45 триллион сўм, 2016 йилгидан эса 6 карра кўп йўналтирилди. Натижада жойлардаги поликлиника ва шифохоналар сони ошди, кўплари реконструкция қилиб жиҳозланди.

Бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоизга ошиб, тиббий хизмат аҳолига анча яқинлашгани, илгари асосан пойтахтда бажарилган юқори технологик ва диагностика-даволаш усулларининг 400 дан ортиғи ҳудудларда амалга оширилаётганлиги, юзлаб мураккаб амалиётлар вилоят марказларига, кам инвазив операциялар туман даражасига туширилганлиги тиббиёт соҳасидаги ютуқлар ҳисобланади. Буйрак кўчиришдек мураккаб операциянинг 45 та туманда йўлга қўйилганлиги одамлар учун катта шароит яратди.

Бу учрашувда ўз ечимини кутаётган масалалар таҳлил қилиниб, янги вазифа ва имкониятлар белгилаб олинди.

Учрашувда рақамлаштириш, хориждан ҳамкор топиш, клиник протоколларни янгилаш, илғор диагностика, профилактика ва даволашни уддалайдиган замонавий жамоани шакллантириш бўйича ишламаган марказ, туман, вилоят соғлиқни сақлаш бошқарма ва бўлимларининг келажаги йўқлиги қайд этилди. Қайси маҳаллада, туманда қандай касаллик кўпайган ёки камайганини таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш ҳамда самарали даволаш бўйича аниқ режа билан ишлаш, республика марказлари бундай таҳлил ва ёндашув билан ишни пастда ташкил қилиши, катта-катта маблағ эвазига олиб берилган энг замонавий ускуналардан самарали фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб экани кўрсатиб ўтилди.

"Бугун одамларнинг ҳаётга муносабати ҳам, талаб ва эҳтиёжлари, дунёқараши ҳам тубдан ўзгарди. Бу бошқа соҳалар қатори тиббиётда ҳам сифатни ошириш, замонавий ёндашувларни олиб кириш бўйича олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Шу боис, ноябрь-декабрь ойида қаттиқ тайёргарлик кўриб, январдан тиббиётда халқнинг баҳосини эшитадиган тизимни жорий қиламиз", – деди давлатимиз раҳбари.

Бир сўз билан айтганда тиббиёт соҳаси ҳам янгиланишларга юз тутмоқда. Жумладан, эндиликда 26 та марказ директорлари, вилоят, туман соғлиқни сақлаш раҳбарлари, оилавий поликлиника мудирлари бир ойлик аниқ режа асосида ишлашга ўтиши, марказ раҳбарлари ўз соҳасида энг оғир туман ва маҳаллага бориб, бир ой қолиб, касалликларнинг сабабларини ўрганиб, уларга ечим бериши, оилавий поликлиника ва туман шифохоналарининг врачларини касалликни даволашга ўргатиши янгилик бўлди. Янгиликлардан яна бири вилоят ва туман соғлиқни сақлаш раҳбарларининг кунлик қабули маҳаллада бўлишидир. Раҳбарларни рағбатлантириш тизими ҳам ўзгартирилмоқда. Энг намунали вилоят, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари, оилавий поликлиника мудирларига "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими" унвони, орден ва медаллар, 30 миллион сўмдан пул мукофоти берилади. Улар раҳбарлик қилаётган шифохона ва поликлиника инфратузилмасини яхшилашга 500 миллион сўмдан ажратилади.

Умуман бу каби ўзгаришлар, янгиланишлар, имтиёзлар жуда кўп ва буларнинг барчаси шифокор меҳнатини қадрлаш ва ўз навбатида уларни янада катта масъулият билан ишлашга ундаши шубҳасиздир.

Президентимизнинг учрашув сўнгида гапирган гаплари мени янада тўлқинлантириб юборди. "Мен шифокор эгнидаги оқ либосни нафақат касб белгиси, балки Ватанга чексиз садоқат рамзи деб биламан. Бундан буён ҳам шифокорнинг, ҳар бир тиббиёт ходимининг обрўсини ҳимоя қилиш, унга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш эътиборимиз марказида бўлади. Ишончим комил, биз биргаликда Янги Ўзбекистонни бошқа соҳалар қаторида тиббиёти ҳам ривожланган давлатга айлантирамиз", – дедилар Президентимиз.

Биз тиббиёт ходимлари бундай ишонч ва эътиборга яраша халқ саломатлиги йўлида янада жонбозлик кўрсатиб ишлашга тайёрмиз.

Камолиддин РАҲИМОВ,
туман Тиббиёт
бирлашмаси раҳбари.

► *Тиббий кўрик*

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси Миллий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда Зангиота тумани Тиббиёт бирлашмаси Марказий шифохонасида республиканинг етук кардиолог, кардиохирург мутахассисларидан иборат жамоа томонидан аҳолига ЭХОКГ, кардиолог, кардиохирург кўриклари, қон таҳлиллари, КАРОНАРОГРАФИЯ каби тиббий хизматлар кўрсатилди.



БЕМОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Аҳоли орасидаги имтиёзли қатлам: пенсионерлар, гуруҳ ногиронлари, ижтимоий реестрдагилар, кам таъминланганлар, Афғон уруши ва Чернобль қатнашчилари, "Аёллар" ва "Темир дафтар"да турувчилар, ёлғиз қариялар тиббий кўрикдан ўтказилди.

– Белгиланган уч ҳафта муддат ичида мингдан зиёд аҳоли кардиоскрининг кўригидан ўтказилди, – дейди шифокор Қосим Нодиров, – касаллик аниқланган 30 фоиз аҳолига каронаграфия хизмати кўрсатилди. Зангиотада аҳолининг тиббий маданияти анча юқори эканлигидан хурсанд бўлдим.

Дилором МАННОПОВА,
туман Тиббиёт бирлашмаси
бош ҳамшираси.

► *Биласизми?*

Идеал вазн қанча?

Ёши катта эркакларда бел айланаси 90-94 сантиметрдан юқори бўлса, бу ортиқча вазн ҳисобланади. Аёлларда эса бу кўрсаткич 80 сантиметрдан юқори рақамларга тўғри келади.



Меъёрий вазнни билиш учун бўйдан 100 сантиметрни, идеал вазнни билиш учун бўйдан 110 сантиметрни айириб ҳисоблаш керак.

Бундан ташқари, тана ортиқча вазнни сезишни бошлайди. Масалан, зинадан кўтарилганингизда ҳарсиллаш бошланади. Ётгингиз келаверади, дангасалик ҳолатига тушиб, оғир бўлиб қоласиз.

Тухум йўталга қарши

Тухум аралашмасини тайёрлаш учун, аввал бир стакан сутни қайнатиш керак.

Кейин бир ош қошиқ сариёғ ва асал қўшинг. Яхшилаб аралаштирилган тухум сариғи ва озгина сода, тахминан 1/4 чой қошиқ қўшинг.

Бу нафақат йўтал учун, балки бронхит, ларингит ва трахеит учун ҳам жуда самарали воситадир.

ISTIQBOL
2025-yil 21-noyabr / Juma / № 46-47 (6198-99)

Инсоннинг бирор бир масала билан қайсидир идора ёки раҳбарга мурожаат қилиши – уларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Фуқаролар томонидан кўтарилаётган мурожаатларда уларнинг кайфияти, шарт-шароити, олиб борилаётган ислоҳотларга муносабатини яққол кўриш мумкин.Мурожаатларга муносабат тубдан ўзгаргани сабаб мансабдор шахслар фуқаролар ва жамият олдида масъул эканлигини, халқ манфаатини чуқур ҳис эта бошлади.

МУРОЖААТЛАР: УЛАР ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПМОҚДА?

Маълумки, жорий йил апрель ойида секторлар тугатилгандан сўнг раҳбарларнинг сайёр қабули ўтказилиши бўйича топшириқ келиб тушган ва уни бажариш бўйича тумандаги барча ташкилотларга кўрсатма берилган. Аммо баъзи ташкилотлар ўзлари ишлаб чиққан режани бажармай келмоқда. Натижада сайёр қабуллар ўтказилмай ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ташкилотларнинг мутасадди ходимларига шу масалада тўлиқ тушунча берилган бўлишига қарамай топшириқ талаблари бажарилмай келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчиси А.Магрупов ҳузурида жорий йил 1 февралда ўтказилган йиғилиш баёнига асосан республика вазирлик, идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига сайёр шахсий қабуллар ўтказиш режа-жадвалларини Халқ қабулхоналари билан келишилган ҳолда тасдиқлаш, қабулларни тасдиқланган режа-жадвалларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилиши ҳамда қабуллар давомида келиб тушган мурожаатларни Президент Виртуал қабулхонаси ахборот тизимига киритиб борилишини таъминлаш топширилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 551-банди талабларига кўра, барча даражадаги давлат органлари раҳбарларининг жисмоний ва юридик шахсларни вакиллари жойларда сайёр қабул ўтказиш бўйича жадваллар ишлаб чиқилиб, мос равишда юқори турувчи давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан тасдиқланиши, шунингдек, ушбу Низомнинг 56-банди талабларига кўра, давлат органлари, ташкилот раҳбарлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилиши кўрсатилган.

Фуқаролар қабуллари ўтказилишини алоҳида назоратга олиш Президент Халқ қабулхонасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисмида давлат органларининг раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслар томонидан жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этилиши белгиланган.

Виртуал қабулхона тизимига қабул ўтказган ташкилотлар томонидан мурожаатлари ва сайёр қабуллар баённомалари юкланмаганлиги сабабли ўтказилган қабуллар сонида фарқ чиқмоқда.

Жумладан,ҳокимлар томонидан ўтказилган қабулда ташкилотлар томонидан мурожаатлар қабул қилинса-да, барча мурожаатлар ҳокимликлар тизими орқали киритилганлиги сабабли ташкилотларда қабуллар ўтказилмаган бўлиб чиқмоқда.

Бу масала туман ҳокими Э.Рустамов ҳузурида 14 ноябрда бўлиб ўтган йиғилишда ҳам таъкидлаб ўтилган эди.Туманимизда мурожаатларнинг ижобий ҳал қилиниши анча оқсаётгани, бу эса мутасадди ташкилот раҳбарлари мурожаатлар билан ишлашда сусткашликка йўл қўйиб, вазифаларига лоқайдлик билан қараётганлигидан далолат бермоқда. 2024 йилнинг 10 ойида туманимиз бўйича келиб тушган 4874 та мурожаатдан 2223 таси, яъни 45,6 фоизи ижобий ҳал қилинган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 4588 та келиб тушган мурожаатдан 1610 таси, яъни 38,4 фоизи ижобий ҳал қилинган. Ижобий ҳал қилиниши даражаси туман Кадастрлар палатаси, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими, туман Ободонлаштириш бошқармаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Зангиота тумани бўлими, туман Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимларига тўғри келмоқда ҳамда бу ташкилотларда 2024 йилга нисбатан мурожаатлар кўпайишига йўл қўйилган.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон, унинг ечилиши лозим бўлган муаммолари ётибди. У бир идорага мажбур бўлганидан бош уриб келади. Шундай экан унинг мурожаатига лоқайдлик билан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Одамларнинг розилигига эришиш учун унинг дардига қулоқ солиш ва муаммосини ўз вақтида оқилона ҳал этиш зарур ва шарт.

Нигора МИРЗАЕВА,
туман Халқ қабулхонаси
бош мутахассиси.

ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлик ва коммуникация-технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишланиб “Бир Ватан, бир эл, бир байроқ!” шиори остида куч тузилмаларининг ҳарбий олий таълим талабалари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди.



Тадбир савол-жавобларга бой, қизғин тортишувлар, жамоалар ўртасидаги соғлом рақобат руҳида ўтди. Ҳарбий хизматчилар ва ёш талабаларда билимга ташналик уларнинг ҳар бир жавобида яққол кўзга ташланди.

Алоқачи курсантлардан ташкил топган “Мудофаа” жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринни Тошкент гуманитар фанлар университетининг “Интеллект» жамоаси, учинчи ўринни ФВВ академиясининг “Ёш қутқарувчилар” жамоаси қўлга киритди.

Н.УБАЙДУЛЛАЕВА.

► *Мутахассислар маслаҳати*

Боғларда кузги агротехник тадбирлар

Куз ҳам якунига етиб бормоқда. Экинлардан бўшаган ерлар шудгорланиб, токлар кўмилмоқда. Бунинг ҳам ўзига яраша агротехник қоидалари бор. Боғ қатор оралари 25-30 см. чуқурликда ҳайдалиши керак. Ҳайдашдан олдин гектарига 5-10 тонна маҳаллий ўғит солинади. Янги боғ ва токзорлар барпо этиш мақсадида ажратилган ерларга 30-40 тонна маҳаллий ўғит ҳамда 300-400 кг фосфор ва калийли ўғитлар ҳам солиниши зарур.

Қишки суғориш декабрда амалга оширилади. Унда гектарига 1500-2000 м3 сув сарфлаб, 4-5 кун давомида суғорилади. Боғ ва токзорлар атрофидаги коллектор ва зовурлар тозаланади. Об-ҳаво иссиқ кунлари катта ёшдаги мевали дарахтларга шакл бериб буташ ишларини бошласа ҳам бўлади. Биринчи галда катта ёшдаги олма, нок, уруғли мевали дарахтлар буталади. Шакл бериш, буташ ва қирқиш ишлари дарахтлар тиним даврида – хазонрезги охиридан то ўсув даври бошлангунча – куртак ёзгунга қадар ўтказилади, совуқ тушгудай бўлса (-5…-10°С ҳароратда) бу ишлар тўхтатилади. Совуққа чидамсиз бўлган ўрик, гилос, шафтоли, олхўри, олча, тоғолча ва хурмо дарахтлари баҳорга яқин, февралнинг иккинчи ярми – март ойи бошидан шакл бериб, буталади.

Кузги-қишки мавсумда барча мевали дарахтлар оҳланиши зарур. Бунда 10 литр сувга 2 кг. тупроқ, 1,5 кг. оҳак эритилиб қалин қилиб оҳланади. Мол шатмоғи қўшилса тез ювилиб кетмайди. Боғларни дорилашда охирги йиллари кенг тарқалган монилиоз, кластероспориоз, парша, дарахт таналарини шикастлайдиган рак касалликларига жиддий эътибор берилади. Бунда бордо суюқлигининг 3-4 фоизли суспензияси пуркалади. Бардо суюқлигининг ўрнига мис купоросини бир фоизли ёки темир купоросини уч фоизли қилиб сепса ҳам бўлади. Барча боғларда дарахт атрофидаги тупроқ ағдарилиб чопилади ва шу йўл билан тўкилган барглар йўқотилади.

Э.ЮСУПХОДЖАЕВ,
С.ИШАНХОДЖАЕВ,
Ш.ХАРИМОВ,
Ш.ИБРАГИМОВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси “Навоий” ЎКЧМ инспекторлари.

► *Ободонлаштириш*

Юртимизда эълон қилинган “Тозалик ойлиги” доирасида туманимизда ҳам бир қатор ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Маҳалла аҳли ўз тураржойлари атрофлари ва кўчаларни тозалашга астойдил бел боғлашган. Улар орасида “Олмазор” маҳалласида истиқомат қилувчи Абдунаби Бўроновлар хонадонини алоҳида тилга олиш жоиз. Халқимиз орасида ажойиб нақл бор: “Сариштали уй – фаришталидир”. Отахон ана шу нақлга риоя қилган ҳолда умр кечирмоқдалар.

Ўрнак олсак арзийди



Абдунаби ота узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан бўлсалар-да, бугун ҳам меҳнатсеварлиги ва табиатга бўлган меҳри билан маҳалладошларига ибрат бўлиб келмоқдалар.

У кишининг ҳовлиси ҳар доим саранжом-саришта. Ҳар бир гиёҳ, ҳар бир ниҳол меҳр билан парвариш қилинади. Айниқса, у кишининг боғдорчиликка бўлган қизиқишлари катта. Боғдаги тозаликка, сув тежамкорлигига ҳамда тартиб-интизомга бўлган эътибор ёшлар учун ибратдир.

Отахон бугун тўққиз нафар набираларига доимо табиатни севиш, асраб-авайлаш ва унинг ривожига муносиб ҳисса қўшиш зарурлигини таъкидлаб келадилар.

Абдунаби Бўронов шундай дейдилар: “Тоза муҳит — соғлом ҳаёт гарови. Хонадон озода бўлса, кўнгил ҳам пок, фикр ҳам равшан бўлади.”

Бугун Абдунаби Бўроновнинг меҳнати ва саранжомлиги туфайли унинг ҳовлиси маҳалла учун ҳақиқий намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Шу каби инсонлар фаолияти натижасида маҳалламиз янада гўзал, тоза ва файзли масканга айланмоқда.

Умида АБДУҲАКИМОВА.

Феромон тутқичларнинг аҳамияти

Қишлоқ хўжалиги экинлар майдонларини кенгайтириш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун ўсимликлар карантинидаги ва бошқа иқтисодий хавфи юқори бўлган зараркунандаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.



Бу борада феромониторинг усулининг ўрни катта. Мазкур усул зараркунанданинг табиатда ривожланишини аниқлаш натижасида унга қарши биологик ёки кимёвий усулни ишлатишнинг илмий асосланган муддатини белгилаб бериб, ҳимоя самарадорлигини оширади. “Феромон” - бу ҳашаротларни ўзаро мулоқоти учун уларнинг махсус безларидан ажратадиган мураккаб молекуляр тузилишга эга бўлган органик кимёвий моддалар аралашмасидан иборатдир. Феромон тутқичлар қуйидаги мақсадларда ишлатилади: 1. Феромон тутқичлар ёрдамида айни ҳашаротнинг баҳорда ривожлана бошлаган муддатини ва миқдорини аниқлаш; мавсумда нечта бўғин берганлигини, уларнинг муддатлари ва фенограммасини тузиш. 2. Феромон тутқичларга илинган капалаклар сонига қараб қайси ҳимоя усулини ва қайси фурсатда қўллаш кераклигини аниқлаш; Энтомофагларни далага тарқатиш учун энг самарали фурсатни аниқлаш. Амалиётда феромон тутқич ёрдамида айни ҳашарот ривожланишини белгилаб, зарур кураш усули учун тараддуд кўриш имконияти яратилади. Бу эса биринчидан, ўз вақтида кураш олиб бориш ҳисобига зарарнинг олдини олишга, иккинчидан беҳуда ишлов ўтказишга чек қўйиш имконини яратади.

Кимёвий курашни доим ҳам фойдали деб бўлмайди,сабаби кимёвий препаратлар қўлланилганда экологик мувозанат бузилиши,атроф-муҳит ва иссиқ қонли жонзотлар заҳарланиши мумкин. Шу сабабли зараркунандаларга қарши биологик кураш бирмунча фойдалироқ ҳисобланади.

Жавоҳир РАСУЛОВ,
Отабек МЎМИНОВ,
Тошкент вилояти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси “Назарбек” ТИФ маскани инспекторлари.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ НАРКОЖИНОЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

“Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ–207-сон, 03.11.2025 й.) қабул қилинди.



Фармонга кўра, Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондига қарши жиноятлар” номли алоҳида янги бўлим киритилади.

Шунингдек, қуйидаги қилмишлар учун 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилашни назарда тутувчи жиноий жавобгарлик жорий этилади:

наркожиноий уюшма ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини уюшган гуруҳ томонидан трансчегаравий усулларда ёки интернет тармоғидан фойдаланиб ўтказиш;

гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний муомалага киритишга ҳокимият (мансаб) ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (раҳнамолик) қилиш ёки бундай жиноятлар фош бўлишининг олдини олиш мақсадида хабар бериш;

ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш.

Бундан ташқари, Фармонда гиёҳвандлик воситаларини жамоат жойларида истеъмол қилганлик учун 15 суткагача маъмурий қамоқ жазосини қўллашни назарда тутувчи маъмурий жавобгарликни киритиш белгиланди.

НАРКОЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ОҒИРЛАШТИРИЛАДИ

Фармонга кўра, наркожиноятлар содир этилиши ва қайта содир этилишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик 2 бараваргача оғирлаштирилади, жумладан:



гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп миқдорда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек, уларни ноқонуний равишда кўп миқдорда ҳар қандай усулда ўтказиш;

алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласини кўп миқдорда ва такроран содир этиш;

гиёҳвандлик воситаларини ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганда.

Шунингдек, вояга етмаган ва ёшларни наркожиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида қуйидагилар белгиланди:

ҳар қандай наркожиноятни вояга етмаган шахсларга нисбатан ёки уларни жалб қилган ҳолда содир этишни жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолати сифатида қайд этиш;

таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки таълим ташкилотларига туташ ҳудудларда кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказганлик учун жиноий жавобгарликни 2 бараваргача оғирлаштириш.

Бундан ташқари, айрим наркожиноятларни содир этган шахсларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилмаслик тартиби жорий этилади.

ИССИҚХОНАДАН ФОЙДАЛАНГАНДА

Мана, қиш фасли ҳам тобора яқинлашмоқда. Энди далалардаги ишлар иссиқхоналарга кўчиб, бозорларимизни йил бўйи турли сабзавот маҳсулотлари ва кўкатлар билан таъминланишига хизмат қилади.

► *Мутахассислар маслаҳати*

Экин етиштириш учун қулай бўлган иссиқхоналарнинг ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Иссиқхоналар турли касаллик ва зараркунандаларнинг қишлаб қолиши ва кўпайиш манбаи ҳамдир. Бу зараркунанда ва касалликлар помидор, бодринг ва бошқа экинларга катта зарар келтиради. Бундан ташқари эрта баҳордан бошлаб иссиқхона атрофидаги бегона ўтларга тарқалиб, кейинчалик катта майдонлардаги барча турдаги сабзавот, полиз ва картошка экинларини ҳам зарарлайди.

Бунинг олдини олиш учун эса зараркунандаларга қарши вақтида курашиш керак бўлади. Масалан, “Оққанот”га қарши Трихопорус, Толстар, Моспилан, Карбафос каби воситалар қўлланилади. Иссиқхонада намликнинг ортиши, ҳароратнинг кўтарилиши туфайли ун шудринг ва сохта ун шудринг касали бодрингга зарар келтирса, помидор баргларини қўнғир доғланиш ва фомоз кўпроқ зарарлайди.

Бодрингдаги ун шудринг ва сохта ун шудринг, помидорда қўнғир доғланиш касалига қарши Байлетон, Топсин, Олтингугурт, Превихур каби дориларни пуркаш керак. Улардан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақидаги маслаҳатлар эса кимёвий дориларнинг қоғозида кўрсатилган.

Б.АЛИБЕКОВ,
М.АБЗАЛОВ,
О.ИКРОМБОЕВ,
Х.МУРОДУЛЛАЕВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси “Навоий” ЎКЧМ инспекторлари.

Қон олувчи шифокор идиши
Елим тури
"...-ба-ди айтиш-ди"
Ҳинд фильм-ми
Ахборот узатиш қонуниятла-ри ҳақидаги фан
Ислом-ий фарз
Фазо-вий
Қишнинг биринчи ойи
Бензин идиши
Порт-ловчи мосла-ма
Нефть қазиш асбоби
Сигир (шева.)
Тамом, якун
Замона-вий ром фирма-си
Мил-лат (Хитой)
Жино-ятчи-ликка оид
"Осмон узоқ - ... қаттиқ"
... Со-биров (хонан-да)
Жой-лашмоқ (поэтик)

Ҳурмат-ли, азиз
Кели-шик қўшим-часи
"... қалъаси маҳбуси" (кино)
Тола, тук
Олий илмий даража
... Цзе-дун (арбоб)
Терла-ма (ка-саллик)
Хаме-леон
Юнон ҳарфи
Швед квар-тети
Бўлиши эҳти-мол, жоиз
Брази-лия футбол-чиси
Йўна-лиш
Сув ва тупроқ
Қара-моғига олиш
Шойи тасма
Катта ўғил
...-За-махша-рий (аллома)
Кенг хона
Бўлди қил!
Жан. Корея пойтах-ти
...-эътиқод

Азоб-...
Физи-ка бўлими
Амал-сиз
Ҳинди-хитой-даги давлат
Афиша, рекла-ма
Тоҳир ... (ёзувчи)
Япония тоғ тиз-маси
Илмий рисола, дарслик
"Олтин олма, ... ол!"
Авто-мат русуми
3-шахс, кўплик шакли
"Меҳмон ...йи ху-до"
... Му-кержи (актри-са)
Хон, амир
"... бола элга манзур"
Қўшим-ча исм
Бўйин эгиш, тобелик
Нима (қисқача)
Жоду, сеҳр
Япони-ядаги шаҳар
Рекла-ма ...лари

Ўзбек адабиётининг ЧАҚМОҚ ШОИРИ



Усмон НОСИР (1912-1944)

Усмон Носир – ўзбек Лермонтови, ўзбек адабиётининг чақмоқ шоири. Шоир атиги 32 йил умр кўрган бўлса-да, ўзбек шеъриятига улкан мерос қолдиришга улгурди.

Усмон Носир 1912 йилнинг 13 ноябрида Наманганнинг Чуқуркўча даҳасида дунёга келади. Шоир тўрт ёшлигида отаси вафот этади. Онаси Холамбиби Носирҳожи исмли инсонга турмушга чиқади ва оила Қўқонга кўчиб ўтади. Шунда Носирҳожи ёш Усмонни болалар уйига топширади. Усмон Носир махсус интернатда таълим олади.

1929-1930 йилларда атиги бир йил Усмон Носир Москва Кинематография институтининг сценарий факультетида ўқийди, бироқ ўқишини тугалламайди. 1930-1933 йилларда Қўқондаги қисқа муддатли таълим ва тарбия курсларида ўқитувчи, илмий бўлим мудири ва шаҳар театрида адабий эмакдош бўлиб ишлайди.

1930-1933 йилларда Усмон Носир Алишер Навоий номидаги Самарқанд Педагогика академияси (ҳозирги Самарқанд Давлат университети)нинг тил ва адабиёт факультетида бир муддат таҳсил олади. 1934 йил Тошкентга кўчиб келади ва “Ёш Ленинчи” газетасида ишлайди.

Бўлажак шоирнинг илк шеъри “Ҳақиқат қалами” бўлиб, 1927 йилда “Янги йўл” газетасида босилади. 1931 йилда фуқаролар уруши мавзуига бағишланган “Норбўта” номли достонини яратади. Достон “Янги Фарғона” газетасида эълон қилинади. Шоирнинг илк шеърий тўпламлари “Қуёш билан суҳбат” ва “Сафарбар сатрлар” 1932 йилда нашр этилади. Шундан сўнг “Нахшон”, “Нил ва Рим” достонларини, 1934 йилда “Тракторобод”, 1935 йил “Юрак” ва 1936 йилда “Меҳрим” номли шеърий китоблари нашр этилади.

Усмон Носир шеърияти ҳеч кимникига ўхшамагани, адабиёт ўзига яратиб олган андозалар ва қолипларга сиғмагани билан ўзига хосдир. Шеърларда шоирнинг тирик, оташин, исёнкор руҳи сезилиб туради. Масалан, “Юрак” шеърида

Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..
дея хитоб қилади.

Замонасининг йирик шоирларидан бири Туроб Тўла Усмон Носир шеърияти ҳақида шундай дейди: “У шундай тўполон ва тўлқин билан келдики, унча-мунча шеърий услуб ва ижодни тўс-тўс қилиб юборди. Уни ўзимизда “Ўзбекнинг Лермонтови”, Москва газеталарида “Шарқда Пушкин пайдо бўлди”, деб ёзишди”.

Дарҳақиқат, Усмон Носир шеърияти аввало, ҳаётийлиги, жозибадорлиги ва шундай бўлсада, ниҳоятда содда ва равон бўлгани учун ҳам халқ қалбига яқин.

Яна шеъримга
(Сонет)

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,
Жоним каби яшайсан манда.
Юрагимнинг дарди – нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч канда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.
Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўртоқ тутиндим.
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.
Бутун умрим сенинг бўйингда.
Саҳарда қон тупурсам, майли.
Мен – Мажнунман, шеърим, сен – Лайли!

Усмон Носир ўзини нафақат истеъдодли шоир, балки драматург сифатида ҳам намоён этади. 18 ёшида “Назиржон Халилов” драмасини яратади. Унинг “Душман” (1931), “Сўнгги кун” (1932), “Атлас” (1935) пьесалари Қўқон театрида саҳналаштирилган.

Насимага деганим

Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас,
Кўп ҳали ҳаётдан насибам.
Силлигим безарар, ҳеч гапмас,
Борини кўраман, Насимам,
Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас!
Олдимда кутадир имтиҳон –
Мен оғир жангларда бўларман.
Насима! Бу кунги иссиқ қон,
О, балки тўкилур… ўларман…
Олдимда кутадир имтиҳон!
Ўйланиб кўзингга қарасам,
Иккита денгиздай кўринур…
Насима! Ичаман рост қасам,
Оловдек ловуллаб дил ёнур,
Бахтлиман жангларга ярасам!

Усмон Носир бетакрор шеърлари, саҳна асарларидан ташқари адабий таржима билан ҳам шуғулланган. Хусусан, Александр Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани”, Михаил Лермонтовнинг “Иблис” достонларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирди. Бундан ташқари, Николай Добролюбовнинг “Ҳақиқий кун қачон келади?” йирик асари ҳамда жаҳон адабиётининг йирик шоирларидан бўлмиш Гейне, Гёте, Байрон шеърларидан ҳам таржималар қилди.

1937 йилнинг 27 январь куни Усмон Носир адабий фаолиятининг 10 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Бироқ байрамдан ярим йил ўтиб Ёзувчилар уюшмасида ёш шоирнинг “хулқ-атвори” муҳокама қилинган мажлис бўлиб ўтади. Йиғилишдан икки кун ўтиб, 14 июль куни энди Ёзувчилар уюшмасидан чиқарилган 24 ёшли Усмон Носир ҳибсга олинади. Шоирнинг китоблари, суратлари, қўлёзмалари мусодара қилинади. Дастлаб шоирнинг қаерда эканлигини қариндошлари билмайди. Ва ниҳоят бир куни шоирнинг синглиси Роҳатой номига Тошкент қамоқхонасидан хат келади. Унда: “Синглим Роҳатхон! Уйғунникига бориб нарсаларимни ол. Мадамин Давроннинг уйида пальтом бор. Иброҳим Назирникида этигим ҳам. Шуларни олиб келиб, менга киргизиб юбор. Кетадиганга ўхшайман...” деб ёзилган эди. Фақатгина бир марта шоирнинг синглиси ва отасига Усмон Носир учун кийим-бош, егулик киритиб беришга рухсат беришади, бошқа бундай имконият бўлмайди...

Шоирга Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 60-моддаси 1-қисми билан “мунтазам равишда миллатчилик ва аксилинқилобий ташвиқот олиб боргани ва Совет ҳукумати ҳақида оммавий равишда одобсиз шаклда сўзлагани” айблови қўйилади.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр мажлиси Усмон Носирни “террорчилар билан алоқаси борлиги, шунингдек, унинг “Ўзбекистоннинг нуфузли ёзувчи ва шоирларидан бири бўлиб, ёшларни миллатчилик, рус классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилишда атайлаб бузиб кўрсатиб аксилинқилобий руҳда тарбиялагани”да айбли деб топади ва 10 йилга ахлоқ тузатиш лагерига жўнатиш ҳақида ҳукм чиқаради.

“Халқ душмани” тамғаси билан ҳали 25 ёшга тўлмаган шоир Златоуск, Владивосток, Магадан, Мариинск қамоқхоналарида бўлади. 1943 йили Кемерово вилоятида жойлашган Сибирь лагерига жўнатилади.

Бўлмоқ истаб, шеърият узра дарға,
Итардилар мени чуқур бир жарға.
Менга аён, булбулнинг ошиёниға,
Қўнолмағай уриниш билан қарға

Ушбу сатрни шоир 1937 йили сентябрида зиндонда ёзган. Шубҳасиз, шеърда шоирга ҳасад қилганлар, уни халқ душмани дея чақиб туҳмат қилганлар тилга олинган.

1940 йилнинг 20 август куни Усмон Носир Магадандан И.В.Сталин номига хат ёзади. Мактубда шоир “иш”ини қайта кўриб чиқишларини сўрайди. Шунингдек, қамоқхонада туриб ҳам “шеърий роман, учта саҳна асари ва бир қатор шеърлар ёзгани” ҳақида хабар беради. Мактубда: “Мен ҳали ёшман ва ғайратга тўламан. Мен халқ учун ижод қилишим керак! Менда айб йўқ!” деган сўзлар ҳам бўлади.

Ажабланарлиси, минглаб шундай мактублар орасидан Усмон Носирнинг хати эътиборга тушади ва Ўзбекистон ҳукумати Кремлдан шоир ишини қайта кўриб чиқиш ҳақида буйруқ олади.

1944 йилнинг сўнггида профессор Боровков, шоир Мақсуд Шайхзода ва “Қизил Ўзбекистон” газетаси бош муҳарриридан таркиб топган комиссия Усмон Носирни айбсиз деб топади. Бироқ, бундай хулосага энди жуда кеч эди. Шоир 1944 йилнинг 9 март куни вафот этади. Уни маҳаллий аҳолилардан бўлган Анатолий Митрофанович Сирота исмли инсон дафн этади.

(Sputniknews.uz. сайтидан қисқартириб босилди)

Қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этиш янада жадаллаштирилади

“2025-2026 йилларда мамлакатимизда қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этиш ишларини янада жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ҳукумат қарори (691-сон, 04.11.2025 й.) қабул қилинди.

Қарор билан “2025-2026 йилларда мамлакатимизда қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этиш ишларини янада жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди.

Унда қуйидагилар назарда тутилди, жумладан:

ҳар йили октябрнинг 1-ҳафтасида Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталигини ўтказиб бориш;

ҳар йили октябрь ойида қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган республика даражасида илмий-амалий конференциялар ташкил этиш;

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи фаолиятини янада такомиллаштириш.

Қарорга кўра, ўқувчи ёшлар ва талабалар иштирокида қатағон қурбонлари таваллуд топган масканларда “Юрт ва миллат фидоийлари ёддан чиқмаслар” мавзусида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилади.



ISTIQBOL
2025-yil 21-noyabr / Juma / № 46-47 (6198-99)

“ISTIQBOL”
газетасига 2026 йил учун
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



Агар туман ижтимоий-маданий ҳаётидан хабардор бўламан;
турли касб эгалари, турли тақдирлар ҳақидаги мақолаларни ўқийман;
маънавиятимни юксалтираман, десангиз туман ижтимоий-сиёсий газетаси –

“ИСТИҚБОЛ”га
2026 йил учун обуна бўлинг!





Миллийлик – қонимизда



Париларми булар осмондан тушган,
Зумда ўғирлади ақлу хаёлни.
Миллий либосларда товланиб турган,
Бунча латофатли ўзбек аёли.

► *Турмуш чорраҳаларида*

БИЗГА АЛИМЕНТ ЭМАС, ОТА КЕРАК

(Охири. Бошланиши ўтган сонда.)

Турмушга чиқиб ҳам Нигора феълини ўзгартирмади. Уй ишларига нўноқ бўлган келинни йўлга соламан деб қайнонасининг бошидаги қолган қора сочлари ҳам оқарди. Лекин эгиз ўғил фарзандлик бўлиб ҳам Нигорага ақл кирмади. У на уй ишларини қойиллатар, на болаларига эплаб қararди. Қўлига нима тушса, ўғилларининг оғзига тиқаверганидан кичкинтойларнинг бошлари касалликдан чиқмас, шифохонадан даволаниб чиққан болаларга шифокор тавсияси бир четда қолиб, дуч келган егуликларни беришда давом этарди. Ҳаммасидан ёмони у на қайнона-қайнотасига, на турмуш ўртоғига тилини бермас, бўлар-бўлмас нарсага жанжал кўтариб, оғзидан беҳисоб ҳақоратлар отилиб чиқарди. Шу жанжаллар боис кўп бора тоғасиникига кетиб қолиб, уларнинг ҳам тинчини бузарди. Кўп ўтмай яна ҳеч нарса бўлмагандек эрининг уйига қайтарди.

Бу каби жанжаллардан тўйиб кетган йигит тилини тишларди холос, чунки Нигорани ўзи топиб, севиб ўйланганлиги сабабли ҳам тили қисиқ эди. Мол-дунё, яхши еб-ичишу кийинишга девоналарча ҳирс қўйган Нигора эридан кўп пул топиб келишини талаб қилиб жанжаллашишдан сира бўшамасди. Охири йигит яна чет элга бориб ишлашга мажбур бўлди.

Нигоранинг куни туғди, болаларини боғчага ташлаб, ўзи кун бўйи бозор, дўконларни айланиб, тансиқ неъматлар билан қорнини тўйдириб, кечга томон болаларини боғчадан олиб, уйга қайтарди. Энг ёмони ўзига хуштор ҳам орттириб олди.



Хориждан қайтган эри буни эшитгач ажрашиш ҳаракатига тушди. Нигора ҳам у билан бирга яшамаслигини айтиб: “Сендан итдек кўнглим қолиб кетган”, -деди сенсираб.

Ажрашишгач Нигора тоғасининг уйига бориб ўтириб олди. Шунда ҳам ҳали ажрашмагандек эрига ҳар куни ўн марталаб телефон қилар, ўғилларининг нималарнидир ейишлари, кийим-кечаклари учун пул сўрашдан бўшамасди. Алиментни-ку ўз вақтида ололмаса ҳаммаёқни бошига кўтararди.

Бир куни йўлда кетаётган Аҳрор нимагадир тойиб кетиб боши билан лотокнинг қиррасига йиқилди, боши ҳам, умуртқаси ҳам лат еди. Узоқ даволанди, оёққа тургунича ногиронлик аравачасига михланиб қолди. Бу орада Нигоранинг ёзмаган жойи, жанжал қилиб бормаган идораси қолмади. Кичкиналигидан жанжалларнинг ичида катта бўлиб, мактабга қадам қўйган болалар тобора онасидан зада бўлиб борарди.

Бир куни Нигора уларни мажбурий ижро бюроси ходими ва маҳалла раиси ҳамроҳлигида собиқ эрининг уйига олиб борди, ногиронлик аравачасидан энди туриб, бир-иккита қадам ташлаётган отасининг олдига итариб юборди.

–Бу болалар битта ўзимникими, – деди жаҳл билан, – битта ўзим боқишим керакми? Неча ойдан бери алимент бермайсан. Менга сен берадиган алиментинг капейка, унга қараб қолган куним ҳам йўқ. Бу алимент болаларингники. Ҳой, тилини ютганлар, гапирсанглар-чи гунг бўлмай, ҳаққимизни сўраяпмиз, уйингизни сотиб бўлса ҳам бир неча ойлик алиментни беринг, денглар.

Болалар бирдан ҳўнглаб йиғлаб юборишди.

– Бизга ҳеч қандай алимент керак эмас, бизга ота керак, – дейишди мунғайиб ўтирган отасининг ёнига югуриб боришаркан. – Биз сизни яхши кўрамиз, биз сиз билан бирга қоламиз, тўпалон қилмаймиз, айтганингизни қиламиз. Бизни ойимга ўхшаб урмайсиз-а...

Бу гапдан шу топда бирдан момақалдироқ гулдираб, Аҳрорнинг юрагини чақмоқ ургандек бўлди...

Жамила АРСЛОНОВА.

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Jamila ARSLONOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-1014.

ISSN 2181-61820